

**ҚИЗЛАРХОН МИРЗАОЛИМ ҚИЗИ**

**КУНГИЛ НОМАСИ**  
**(шеърлар)**

**„Фарғона“ нашриёти  
1997 йил.**

Б. к. н. 59. 97

**Қизлархон Мирзаолим** қизи. **ҚУНГИЛ НОМАСИ.**  
Шеърлар. «Фарғона» нашриёти, 1997 йил.

**Қизлархон МИРЗАОЛИМ** қизи -- асли марҳаматлик. У қўшиқни чиройли куйладиган, ўзи шеър ёзид, одамларга ҳавас билан ўқиб берадиган Ашурор Мирзаолим хонадонида таваллуд топган.

У Қувага келин бўлиб тушгач, «Мебель» фабрикасига ишга кирди. Қизлархон шеърларининг биринчи тингловчилари ҳам ана шу ҳамкаслари дир. Үнинг шеърларида муҳаббатнинг оташли, қайноқ нафаси уфуриб туради. Ишни шоиранинг бу илк тўплами, Сиз, азиз китобхонларга манзур бўлади деган умиддамиз.

«Фарғона» нашриёти, 1997 йил.

## М Е Б Е Л И М

Соддагина қизча әдим,  
«Мебель», сенга келганда,  
Қувонч каби қанот ёздим,  
Меҳнатларда елганда.  
Устозим — Муҳаммадлар,  
Қўлимга берди сеҳр,  
Рўзихон, Муҳаббатлар,  
Дилимга берди сеҳр.  
Донг таратди мебелим,  
Мусожонлар қўлида,  
Иноқлигу меҳр бор,  
Ишчиларнинг кўнглида.  
Меҳнати элга ёққан,  
Баҳодирлар бор бунда,  
Халқ ишқида ёнолган,  
Шокирлар ишлар тунда.  
Валижонлар иш боши,  
Назирахон табелда,  
Мард инсонлар ишлайди,  
Бизнинг донгдор мебелда.  
Санъаткор ҳам бунда бор,  
Қўлларида соз билан,  
Матлубалар куйлайди,  
Ширали овъоз билан.  
Муҳиддинлар кашфидан,  
Жаранглаган мебелим,

Уйларни беъзаб турар,  
Мисли жонон мебелим.  
Ёғочга ҳусн бериб,  
Жило бериб, гул бериб,  
Қувани машҳур этган,  
Мебелчилар, мақтайин,  
Сизга ишқли дил бериб...

## О Т А Ж О Н И М

Сўзи армон бўлган, султоним отам,  
Кўзим тирён бўлди, дармоним отам,  
Фариб кўнглим сизсиз ғамларга тўлди,  
Сарғайиб, соғинчлар маконим отам.  
Енгларимга арта-арта ёшимни,  
Ииғлаб-йиғлаб едим яна ошимни,  
Юракда армоним, жоним отажон,  
Үксир дилим, кўриб тенгу — тўшимни.  
Молу давлат топдим, топмадим сизни,  
Давру-даврон келди, қайдасиз отам,  
Үйларимда меҳмон этмадим сизни,  
Изласам топилмас жойдасиз отам.  
Боламни ўхшатиб бағримга босдим,  
Болам бўлиб қолган жаннатмаконим,  
Соғиниб-соғиниб ўртанса кўнгил,  
Армон бўлиб қолган оҳ, отажоним.  
Сизла файзли эди бу хонадоним,  
Бебаҳо арконим, нури имоним,  
Руҳингиз бўлсин шод, шоирим отам,  
Бағрим бутун айлаб, қўлланг, имконим.

## Ў З Б Е К И С Т О Н И М

Ушбу дунё жаннати  
жаннатмаконим: Ўзбекистоним,  
Халқим ҳалол меҳнати  
асалга коним: Ўзбекистоним.  
Боқсам кўзимда ёнган  
боғлари, гуллари, булбуллари,  
Таърифи йўқ бетимсол  
Борлиқ, имконим Ўзбекистоним.  
Оlamга донғи кетган  
ўзбегим оқ-олтин дурданаси,  
Оиласи ободдир,  
мевага кон эрур ҳар хонаси.  
Юртимнинг яшнаган водий —  
Наманган, Андижон, Фарғонаси,  
Қадрланг, сўнг этманг армон.  
Дардга дармоним Ўзбекистоним.  
Оллоҳ суйиб боқсан юрт,  
исломи шоним: Ўзбекистоним,  
Қуёш гуллар тақсан юрт,  
сен буғдои ноним: Ўзбекистоним.  
Кон—қардошга ёқсан юрт  
Марду — майдоним Ўзбекистоним.  
Мусулмонлар макони  
нури — имоним Ўзбекистоним.

## А Й Б Э Т М А Н Г

Айб этмангиз кўнгил ишига,  
Хайф демангиз у ақлу идрок.  
Гоҳ тасалли берар кишига,  
Куйламоқдан завқланар юрак.  
Оллоҳ асра таъна, туҳматдан,  
Маломатдан, бало, оғатдан,  
Покиза бир кўнгил қулиман,  
Ўзинг асра ул қиёматдан.  
Дебдиларки азал-азалдан  
Баён этмиш ушбу ғазалдан:  
— Мени шайдо қилодурган  
                                бу кўнгилдир, бу кўнгил.  
Хору расво қилодурган  
                                бу кўнгилдир, бу кўнгил.  
Оллоҳ шайдо қилғил майлига,  
Орзум — шайдоликка етармен!  
Раббим, расво қилма! Расволикдан  
Сақла, тониб қайга кетармен!

## СИЗНИ СОФИНДИМ

Изҳорига ожизман,  
Ҳаё боғлар тилимни,  
Ҳажри доғлар дилимни,  
Сизни.. Сизни соғиндим.  
Қолди менинг армоним,  
Сиз кузатган йўлларда,  
Сиз узатган гулларда,  
Ёлғиз Сизни соғиндим.  
Ўксик юрак бўзлади,  
Иzlарингиз изладим,  
Изингизни сизладим,  
Ширин сўзни соғиндим.  
Кузим эшик қоқмоқда,  
Армонларни ортмоқлаб,  
Кутар сизни қайноқ қалб,  
Ишқ созини соғиндим.  
Жоним, мени бир йўқланг,  
Кўриб кўзлар қувонсин,  
Ишқингизга ионсин,  
Дил розини соғиндим.

## ЁҚҚИМ КЕЛАДИ

Сизга боққим келади,  
Сизга ёққим келади.  
Нозли-нозли боққанда,  
Үтга ёққим келади.  
Сизга ўзим эркалаб  
Гуллар таққим келади.  
Кўзларингиз ёнганда,  
Сўзларидан тонганда,  
Алдаб-алдаб Сиз мани,  
Йўлга солиб олганда,  
Кўнглим очтим келади,  
Сизни қучгим келади.  
Қора кўзли нигорим,  
Ширин сўзли дилдорим,  
Тун кечалар бедорим,  
Сизсиз менинг муродим,  
Сизга етгим келади,  
Дардим айтгим келади.

\* \* \*

Нечун қизарар юзларинг,  
Гар севмасанг жонгинам,  
Оҳ, нелар ёнар дилингда....  
Майли, тонгин, тонгина.  
Азобларим билурмисан,  
Кўксим яра, қонгина.  
Тонгда кутсам келурмисан.  
Сен ҳам ишқда ёнгина...  
Дардим айтсам нечун энди,  
Тураг эдинг жимгина,  
Мен қўлингда парча қоғоз,  
Хокисор, ғижимгина.  
Ташлаб юбор, от оловга,  
Кул бўлайин зумгина.  
Ё авайлаб бос бағрингга,  
Очилсин тилсимгина...

## И УЛЧИМАН

Мен бир йўлчиман йўлин топмаган,  
Ё йўлларидан тониб қайтмаган.  
Танҳо довдираб, ҳориб толмаган,  
Ё бир кимсага дардин айтмаган.  
Умидим бор шу йўлда кезаман,  
Ўзимни мажнун, фариб сезаман,  
Кўнгил тўла муҳаббатим бордир,  
Онам, боламни... сени севаман.  
Кўлим тутмаган, жоним номардим,  
Дардлашмаган бош эгиб ўз дардин,  
Мен сени кўнглим ичра асрарман,  
Туну—кунларим сен-ла ободим.  
Гулларни севсам, ман этмас ҳеч ким,  
Тупроқни құчсам айбламас ҳеч ким,  
Сени севишим этсам-чи ошкор,  
Дунё титрайди... Оҳ, мени кўнглим.

## А К А Ж О Н И М

Назаримда Темур каби буюксиз, акажон,  
Кўзларимда Бобур каби улуғсиз, акажон.  
Синглингизга сиз ўзингиз суюксиз, акажон,  
Иигитлиги хўп ярашган қутлуғсиз, акажон.  
Кўзим йўлингизда келарсиз деб

кунда-кунда,  
Софинчлардан сарғайиб йўқлай сизни,  
ҳар тонгда  
Келсангиз дардли дилим кириб кетсин  
дармонга,  
Акажоним кўз-кўзлай сизни яхши —  
ёмонга.

Меҳр кўзда эканму рост, соғинчмайсиз  
нечундир,

Тансиқ таом пишириб сизни кутай акажон.  
Яхши ёмон кунимда ҳимоячим сиз акам,  
Кўзимда ёнган меҳрим сизга тутай акажон.  
Қалбим қўри сизники, уйим тўри сизники,  
Салқин сойлар устида тилло сўри сизники.  
Бир келингиз акажон, кўнглим олинг

акажон,  
Сиз соғинчим, илинжим, дилим зори  
сизники.  
Тонгда туриб ҳавасла, ҳовлиларни  
супурай,

Тоззлай уйларимни, сўйлайин  
уйларимни,  
Сиз келиб обод этинг, акажон тўйларимни,  
Шод этинг тоға деган, бу эркатойларимни.  
Жигар ўти ёмондир, жигарим доғламасин,  
Икир-чикир ишларда қўлингиз боғламасин,  
Нечун желмас тоғам деб, гўдагим  
иифламасин  
Ҳамдард бўлинг, кўнглимни ўзга  
ардоғламасин.  
Боримни йўлга сочай, бир келинг  
акажоним!

## ТАВБА ЭТАЙ

Оллоҳим, не қилай, ишқ кўнглимга  
ошно бўлди,  
Куя-куя дилгинам васлига ташна бўлди.  
Кўзларим йўлларида зор, интизор  
нетайин,  
Бошим олиб энди мен қай сориға  
кетайин.  
Ҳасратим кимга айтиб, во дариф  
кимга йиғлай,  
Жонима малҳам йўқдир, аламда  
бағрим тиғлай.  
Боролмайман ёнингга, нетай  
тоғ-қоялар бор,  
Айтолмай дардим, дардга солган  
ул соялар бор.  
Юрагим дод айлайди, қанча оҳ,  
нолалар бор,  
Йиғлай олмай кўзларда пинҳона  
жолалар бор,  
Ёриб кўринг кўксимни, хору-хас,  
лолалар бор,  
Узоқ бўлсанг-да сенга торгувчи  
толалар бор.  
Оллоҳим сени таниб, сано-ю шукр айтай,  
Ўзинг қайтар йўлимдан, ошиқман,  
қандай қайтай?!

Дилга ишқ солған ўзинг, ўзингга  
сажда этай,  
Гуноҳим кечир, Оллоҳ, бир умр  
тавба этай.

## А Е Л Л А Р, А Д А Ш М А Н

Шарм қани, ҳаё қани?!  
Сендаги ибо қани?  
Сен аёлсан, ор—номус,  
Поклигу зебо қани?  
Боланг ташлаб кўчага,  
Ўзинг сотдинг нечага,  
Бу ўткинчи дунёда  
Қолдинг зим-зим кечада.  
Ғуруринг яксон этдинг,  
Гулларинг пайҳон этдинг,  
Эгри йўлга кириб сен  
Расвои жаҳон этдинг.  
Орлар сени куйдирсин,  
Зорлар сени куйдирсин.  
Гўдакларинг уволи,  
Хорлар сени куйдирсин.  
Сочларингга оқ тушди,  
Ҳаёл хонангга учди,  
Кўзлари мўлтираган,  
Эсинг болангга кўчди.  
Ўйноқ дил ўйнатдиму?  
Ҳар кеча тўйлатдиму?  
Энди армон ўртайди  
Кексалик ўйлатдиму?  
Шарм қани, ҳаё қани?

Тилдаги гүё қани?  
Боқолмайсан ёр томон  
Кўздаги зиё қани?  
Шарм олдида шарманда,  
Номард қўлда чирманда,  
Оллоҳ кечмас гуноҳинг,  
Кеч энди урган оҳинг.  
Шарм қани, ибо қани?  
Ёр, сенда вафо қани?

## Н О Л А

Ёрга хиёнат қиласам,  
Жоним олсин ул Худо,  
Ўзгаларга боққанда  
Кўздан оқсин бул зиё.  
Диёнатли ёримдан  
Айирмагил, ё Худо,  
Адаштирма йўлимдан  
Ўтга солма беҳуда.  
Бир ёр бўлай вафодор,  
Йўлларига тикиб жон,  
Мунчоқдайин боламга,  
Ҳалолу пок онажон.  
Кўча-кўйда юрса ёр,  
Қетмай ҳаргиз хаёлдан,  
Мени афзал кўрсинглар  
Ўзга гўзал аёлдан.  
Диёнатли ёримдан  
Айирмагил, ё Худо.

## ФАРЗАНД ДОГИ

Дадасининг қувончлари узилди,  
Онасининг жон риштаси узилди.  
Тузиб қўйган режалари бузилди  
Қайга кетдинг ўғлон бўлган Қувончбек.  
Нор туюдек наъра тортди бобоси,  
Йиғлай-йиғлай адо бўлди момоси.  
Ғамга тўлди Таваккалнинг хонаси,  
Бу дунёга меҳмон бўлган Қувончбек.  
Хурлар каби учиб кетдинг самога,  
Армон бўлдинг отанг бирла онангга,  
Тилаб-тилаб келган эдинг бинога,  
Жаннатларда жавлон ургин Қувончбек.  
Бола бўлиб эркамидинг, шўҳмидинг?!  
Кўзга яқин ширингинам, кўҳлигим,  
Тортган дардинг даволари йўқмиди,  
Дардга полвон, эркин ўғлон Қувончбек.  
Дунёларга қайтиб келмас Қувончбек,  
Ўйнаб-ўйнаб учиб елмас Қувончбек  
Онасини қучиб кулмас Қувончбек,  
Армон-армон, энди армон Қувончбек.

## ҚАЙТАР ДУНЕ

Ишончларим синдилар чил-чил,  
Дўстим менга қилди хиёнат;  
Еруғ дунё бўлди қоронғу,  
Қайга кетди меҳру-оқибат.  
Ажаб... тубсиз бу дengiz аро,  
Қолдим ногоҳ, ёлғиз ўртаниб,  
Қайда бордир жонимга оро,  
Адашибман, эвоҳ, дўст топиб.  
Ишонганим, дўстгинам бир кун,  
Олиб кетди ул баҳт қушимни.  
Тополмай зор оворадирман,  
Бошдан учган ақлу ҳушимни.  
Пиллар инсон дардига малҳам,  
Бироқ оғриқ берар гоҳида,  
Дунё экан бу қайтар дунё,  
Бир кун дўстни кўрдим чоҳида.

## БОҚМАДИНГ

Корга қўйсам бағримни эрир эди,  
Тошга айтсам дардимни ёрур эди,  
Тоғлардан ҳам акс-садо келур эди,  
Нечун боқмадинг, нечун сен боқмадинг.  
Йўлимда йўлчилар кўп эди аммо,  
Кўнглимга овчилар кўп эди аммо...  
Уйимда совчилар кўп эди аммо...  
Нечун боқмадинг, нечун сен боқмадинг.  
Ииғлаб турсам кўз ёшим кўл-кўл бўлса,  
Куя-куя бардошим кул-кул бўлса,  
Яшнамасдан боғларим бир чўл бўлса,  
Нечун боқмадинг, нечун сен боқмадинг.  
Сендан ўзгалар керак эмас билсанг,  
Сендан ўзга ҳеч ким тиргак эмас билсанг,  
Сен билан обод жўнглим, агар келсанг,  
Нечун сен боқмадинг, ё мен ёқмадим?!

## ШУҚУР

Дилдаги сатрим битай мен бугун;  
Тезгир ўйларим мисли бир тугун,  
Сени бағримга боссам болажон,  
Үлгим келмас ҳеч қачон, ҳеч замон.  
Умрим мазмуни сен, сарлавҳаси,  
Азиз фарзандим дилим ғунчаси,  
Юракдан томган юраксан асли,  
Оҳ, ёниб турган қалбим парчаси.  
Дўмбоқ қўлингни ушлаган чоғда,  
Юракдан кетар ҳар қанча ғубор,  
Ширин эркатойим, кўзимнинг нури,  
Яратганга шукур дунё баробар!!!

## УЗБЕГИМ АЁЛИ

**«Анор» совхозининг раисаси  
Мастурахон САЙФУТДИНОВАга.**

Анор мисол юзлари,  
Ёниб турар кўзлари,  
Малоҳатли Мастура,  
Халқ дардидир сўзлари.  
Эр йигитдай эркиндиндир,  
Кўнгли тоза дуркундир.  
Анорзору боғлари,  
**Жаннат мисол тўкиндиндир.**  
Раҳбарлиги бир ёнда,  
Бир қўлида фарзанди,  
Хуш бёка оилада,  
Ёнларида дилбанди.  
Ширин эрур меваси,  
Тиллари шакар, болли,  
Боғларида меваси,  
Халқи айтар — «Эй, Балли!»  
Ўзбек қизи ҳур эрур,  
Маконлари гул эрур,  
Юргни обод айламоқ,  
Мақсадлари бул эрур.  
Ўзбегимнинг мард қизи,  
Элимга ҳамдард қизи,  
Оғир кунда яраган,  
Меҳрга пайванд ўзи.

## А Р М О Н

Яна баҳор келди, ёзиб сепини,  
Яна булбул куйлар айтиб розини,  
Қайтадан яшарди бу күхна дунё,  
Ошиқлар куйлади олиб созини.  
Ёшлик баҳорларим қолди олисда,  
Оҳ, лоқайд юраклар урар бир маром,  
Орзуми—ҳавасми билмам бирпасда,  
Йироқларда қолиб кетди бир армон.  
Армонлар отини атамайман деб,  
Баъзан ўз-ўзимга ичаман қасам,  
Ҳар баҳор келганда тўлғониб, ёниб,  
Яна қўлларимга оламан қалам.  
Ўтаркан ёшлик, лек завқи юракда,  
Ёндиргувчи ўтлари ёнади пинҳон,  
Нақд ёнимда ёниб турган юлдузни,  
Кўрмабди кўзларим, кўр экан, инон.

## Е Р Г А Н О Л А

Шодлигимга шерик бўлгин  
кел бир нафас, бир нафас.  
Қайларда қолди кўздаги  
ёниқ ўша эҳтирос,  
Сенга ёқиб қолсам дея,  
ўртади ҳою-ҳавас,  
Нечун энди жим турарсан,  
юрагингдан чиқмас сас.  
Дардли дилимга дардкашим,  
бўл фидои меҳрибон,  
Қийналади ҳажринг аро  
танда қийналади жон,  
Бепарво туришингдан, оҳ  
куйдиму, ёндим, инон,  
Жоним поёндоз этайин,  
босиб ўт, майли жонон,

## ҚҮНГИЛ НОМАСИ

Сенга хатлар ёздим даста-даста,  
Сатрларим ишқинг билан пайваста,  
Зор-зор ҳижронларда жавоб кутдим,  
Бўлиб нигорон ғам-алам ютдим.  
Сенга хатлар ёздим даста-даста,  
Кўнгил ишқ ўтида хору-хаста,  
Гоҳо сендан аразладим, тондим,  
Гоҳо сендан олисларда ёндим.  
Кечдим дунёй-фалакларидан,  
Ўшал дилдору малакларидан,  
Мен ўксимам, руҳим сенга ҳамроҳ,  
Куйлай муҳаббат эртакларидан.  
Сендай бир фариштани яратмуш,  
Мисли гулдан анбарлар таратмуш,  
Чехранг нури кўзимга зиё,  
Юсуфни кўрган мисол Зулайҳо.  
Сенга хатлар ёздим даста-даста  
Ҳаётим сен-ла обод, пайваста,  
Хатларим битилмиш фақат дилда,  
Кўмганман кўнгилга аста-аста.

## Ж О Н Ф И Д О

Ётган бўлса турсинлар,  
Турган бўлса юрсинлар,  
Келган эдик олисдан,  
Ёр ҳолимиз сўрсинлар.  
Ёр йўлида кўзларим,  
Кўролмасдан зор бўлди,  
Айтилмаган сўзларим,  
Айтай десам ор бўлди.  
Оҳлар чекиб йиғладим,  
Ҳажру ишқинг доғида,  
Нечун сенга дил бердим,  
Ўшал ёшлик чоғида.  
Раъно мисол ишқингни,  
Мажлис қиласай шеърларда,  
— «Муҳабbat ҳам ўлсин-ей» —  
Ғанимларим дерлар-да.  
Мехробимда чаёнлар,  
Нишин қайраб ётсалар,  
Мени суйиб Анварим,  
Ҳажрим аро ёнсалар,  
Ниш қайраган чаённи,  
Этмай ҳаргиз ҳеч писанд,  
Анвар учун жонимни,  
Фидо этай то абад.

## ХАЁЛ

Үртамасму армонлар сени,  
Мен оламдан кетганим замони,  
Сўнгги иажот ҳасрат эмасму,  
Висол учун йўқ бўлар имкони,  
Бу дунёдан кетсам бир қуни,  
Вужудимни тупроқлар қучса,,  
Таним лаҳат ичра қолса-ю,  
Рух қуш бўлиб кўкларга учсан  
Истайманки, сўнг аста келиб,,  
Ёнгинанѓда куйласам гирён,  
Хонишимга бўлиб сен ҳайрони,  
Излаб қолсанг... оҳ, хузури жони...

## МАЛҲАМ

Қадам босиб борсам ёр, қадамларим  
куйсин энди,  
Танлаб олган ёрингиз, жондан ортиқ  
сүйсин энди.  
Ёр—ла даврон суриб сиз, эсламанг  
майли мени,  
Айрилиқнинг ўтлари, қийнамасин, қўйсин  
энди.  
Кўзлар сехридан кечдим, ул бегона менга  
энди,  
Сўзлар меҳридан қочдим, ул паймона  
менга энди.  
Нигоҳингда излама, гуноҳкорман деб  
қийнама,  
Армонларинг дилимга, бил ғамхона менга  
энди.  
Қўйгил энди кетайин, танҳо ўзга йўлга мен,  
Ёниб-ёниб айланай тандирдаги кулга мен,  
Ўзга нонлар куймасин, чўғларин ёпай энди,  
Малҳам бўлай умр бўйи, ошиқ бўлган  
дилга мен.

## ЮР КЕТАЙЛИК

Юр кетайлик жонгинам,  
Тоғутошга бош олиб.  
Ёлғиз қолиб иккимиз,  
Дийдор түйсин термулиб.  
Диллар айтсин розини,  
Дардлашайлик иккимиз.  
Қалбинг очгил энди ёр,  
Ишқдан ёнган кўксимиз.  
Юр кетайлик азизим,  
Ғаним топмас жойларга,  
Сўзларимга кўнмасанг  
Отай ўзим сойларга.  
Кетай танҳо довдираб,  
Сенсиз ўзим бош олиб,  
Мажнундайин бўзлайин,  
Кўзларимга ёш олиб.  
Сен кетмасанг кетмагил,  
Майли кўнглинг очмагил,  
Шунча севсам мён сени,  
Меҳригиёнг сочмадинг.  
Киши билмас дардларинг,  
Дард бўлсин-ей кўнглингга,  
Қизлар асло ёш тўкиб,  
Чиқмасинлар йўлингта.  
Сенсиз дилим вайрона,  
Мен қайга ҳам кетайин,

Ишқингда ёна-ёна  
Кетолмасам нетайин.  
Юр, кетайлик жонгинам,  
Дунёларни тарк этиб,  
Бахт тожини кияйлик,  
Ишқ маконин арк этиб.

## ЖОНИМ, ИЛИНЖИМ

Хижрон ўтида ёндим, чидадим,  
Мен сендан тондим, тўйдим, чидадим.  
Муҳаббатни йўқ, ёлғон дедидар,  
Ғам-аламларда куйдим, чидадим.  
Нечун боғларда очилди гуллар,  
Нечун юракда тирик туйғулар,  
Нечун сайрайди ошиқ булбуллар,  
Нечун туғилар сенсиз қайғулар.  
Оҳ, дунёлардан сени сўрайман,  
Кўзларим йўлда, йўлга қарайман.  
Айтолмасам-да сўзларим майли  
Софиниб кўзларинг бир кўрайин мен.  
Сен билан яшинар ҳамиша олам,  
Сен билан борлиқ — менинг севинчим.  
Кўзларимга тўлди, тўлди шабнам,  
Кел, кел умидим, жоним илинжим.

## И З Л А Р М А Н

Жондин кечиб жоғонимни изларман,  
Қонлар ютиб дийдор учун бўзларман.  
Меҳрим тушган моҳтобимни изларман,  
Қуёш янглиғ офтобимни изларман.  
Дардим айтиб дармонимни изларман,  
Етолмаган армонимни изларман.  
Қанотларим жуфт бўлмади йиғларман.,  
Суйган ёrim ҳол сўрмади неларман.  
Самоларда танҳо учолмасман ёр,  
Ишқ аро ёниб қучолмасман ёр,  
Ҳамдард бўлгин, куйларимга ҳамоҳанг.,  
Қўзларимга боқгил, сенсиз ҳолим танг.  
Жондан суйган жононимни изларман,,  
Сени топар имконимни изларман.

## ЁРИМ КЕТИБ БОРАДИ

Сўймаганни сўйдириб,  
Кўймаганни кўйдириб,  
Ёрим кетиб боради  
Орим кетиб боради.  
Жон ичра жоним мани,  
Ёруғ жаҳоним мани,  
Ёр ўзгага дил берса,  
Ёнсин бу таним мани.  
Сўймасалар ёр мани,  
Бошим олиб **кетарман**,  
Сўймаганга сўйкалиб,  
Бу дунёда нетарман.  
Сўймаганни сўйдирган,  
Кўймаганни кўйдирган,  
Ўз қадрини билмай ёр,  
Тифсиз қалбим сўйдирган.  
Ёрим кетиб боради  
Орим кетиб боради  
Кетма, жоним, кетмагил,  
Ишқ ўтида кўйдириб,  
Ёрим бўлгин вафодор,  
Кулбамни кел тўлдириб.

## ОТАБЕКНИНГ МАҚТУБИ

Гулим, ёлғон деманг дил сўзларимни,  
Билмай қолдим, оҳ, кимга бўзларимни,  
Рад этсангиз, ишонмасдан ишқимни,  
Юмиб кетай дунёдан кўзларимни.  
Биби десам боқмасангиз нетайин,  
Тоҳир каби оқиб энди кетайин,  
Бир жонимга малҳамижон топмайин,  
Мен дардимни ёлғиз ойга айтайин.  
Ёнишимни ёлғонларга йўйдингиз,  
Нечун мени аввалига суйдингиз,  
Ё ўзимга, ё сўзимга ишонмай,  
Ҳисларимни тотимасдан тўйдингиз.  
Ёлғонларга йўлдош этманг Кумушим,  
Ёнган ўтга отманг олиб сиз ҳушим,  
Сизсиз менинг ёрқин эмас йўлларим,  
Кимга керак мени куйиб—ёнишим.  
Гулим, ёлғон деманг' дил сўзларимни,  
Аламларда ёндириманг кўзларимни.  
Сизга етар йўл бўлса, йўлчи бўлай,  
Билармисиз суюб-куюб бўзларимни.  
Рашкларингиз ўлдирмасин дилимни,  
Ғашларингиз сўлдирмасин гулимни,  
Жонлар фидо, жаҳон фидо сиз учун,  
Инсоф қилинг, совурманг сиз кулимни.

## ЮРАКДАН ТЎҚИЛГАН САТРЛАР

Яна баҳор келди,  
Олам яшнади яна,  
Анҳорлар куйлади  
Ишқдан, вафодан,  
Булбул нола айлаб  
Кўйди жафодан.  
Бокира гуллар кулгуга очди лаб,  
Нечун келмадинг мени излаб...  
Гулдан бўса олди болари,  
Саболар келди боғлар кезгали,  
Охулар ўйнашар эркалаб,  
Нечун келмадинг мени излаб...

## **СҮЗИ СУЗИМГА МОНАНД...**

**(Маҳфуза УСМОНОВАга)**

Сўзлари сўзимга монанд аёл,  
Диллари дилимга пайванд аёл,  
Узоқда бўлсам ҳам сизда хаёл,  
Жигарлардек менга дилбанд аёл.  
Умрим йўлида учраб қолдингиз,  
Рўпарамдан чиқди ҳур, Зухро юлдуз,  
Мен босган сўқмоққа оёқ қўйдингиз,  
Дўстим деб йўқлайман кечаю-кундуз.  
Муҳаббат рост бўлса, меҳр-ла Сизни,  
Ардоқлаб сурман кун-кун зиёда,  
Дилингизга лолман, сахий ва покдир,  
Билдимки, яхшилар кўпдир дунёда.

## ЯНА МУҲАББАТ

Дарёлардек очдим қалбимни,  
Муҳаббатдан шароб ичдим мен.  
Гоҳ йиғладим, алам-айрилиқ,  
Ҳижрон аро сароб ичдим мен.  
Кўзларимда ёнди дунёлар,  
Юрагимга ишқ малҳам бўлдинг.  
Бағрим аро қондир лолалар,  
Гоҳ, ўртадинг, ғам-алам бўлдинг.  
Кўнглим ичра **асрадим сени,**  
Муҳаббатдан мен тонганим йўқ.  
Ғаним тўсди **йўлимни мудом,**  
Суҳбатингга бир қонганим йўқ.  
Муҳаббат жўш урди қонимда,  
Қонимдамас билки жонимда,  
Севинчларга тўлди кўзларим,  
Жоним сени кўрган онимда.  
Муҳаббатим, сўнгсиз муҳаббат,  
Бебаҳо дур, тенгсиз муҳаббат,  
Одамизод туғилмас асло,  
Йўқдир висол сенсиз муҳаббат.  
Қилич солсин Қоработиринг,  
Таним лахта-лахта этсинлар,  
Майли заҳар бериб Зайнабинг,  
Кумушдай қабр аро элтсинлар,  
Тупроғимда унган гиёҳлар,  
Ишқ вафодан таҳсин айтсинлар,  
Жаннатларда ахтариб мени,  
Отабегим бедор кутсинлар.

## ИШОНЧ, СЕНИ ҚАЙДАН ТОПАЙ?

Ишончсиз тордир дунёлар,  
Ишончга зордир зиёлар,  
Ишончсиз йўқдир вафолар,  
Мен ишончни қайдан топай?  
Ишончим сўндириди дўстим,  
Тириклай ўлдириди ростим,  
Хаётдан дод айлар дастим,  
Мен ишончни қайдан топай?  
Севгимни мазаҳ қилдилар,  
Юрагим тифсиз тилдилар,  
Узларин танҳо билдилар,  
Мен ишончни қайдан топай?  
Кўзни кўзга тикканларим,  
Эзгулик деб экканларим,  
Қаддимни дол эгганларим,  
Мен йшончни қайдан топай?  
Ишончимни синдиридилар,  
Мавжларимни тиндиридилар,  
Аросатда ёндиридилар,  
Мен ишончни қайдан топай?  
Ўкинма эй ғариб кўнгил,  
Дунё ўзи ёлғон эрур,  
Чин дунёга пок кетгил сен,  
Қаддинг туған имон эрур.

## АЛАМ БИЛАН

Ёнгинамда юрсангу сен  
Қайрилмасанг, бир боқмасанг,  
Болдан ширин сўзлар айтсам,  
Оҳ, нечун сенга ёқмасам...  
Ёнсин тилкалаб ўртада,  
Хижрон ила алам ёнсин,  
Ёнсин дунёни тарк этиб,  
Бир қошлари қалам ёнсин.  
Мунчалар кибор бўлмасанг,  
Ҳамма менга шайдо дея,  
Менинг оёғим остида,  
Ошиқларим гадо дея,  
Қанчалар кеккайма жоним,  
**Яшарсан осмон остида,**  
Ва оёғинг узолмассан,  
Шу сахий ернинг устидан.  
Қўнгил иши қийин экан,  
Ошиқ ҳоли хароб экан.  
Ичганларим гулоб эмас,  
Энди билсам сароб экан.  
Нетай дўстлар, бу жаҳонда,  
Қолдим адашиб, алданиб,  
Олтин ол бўлиб кўринди,  
**Ял-ял ёниб мис товланиб.**  
Кўзларимда алам ёнди,  
Кипригимга шабнам инди.

Кўнгил торим жон узилди,  
Дилгинам тўла ғам энди.  
Куйлай энди алам билан  
Йиғлай энди қалам билан.

## Я Н А

Севгидан куйламайман деб,  
Онлар ичдим, тондим яна,  
Севгидан сўзламайман деб,  
Тилим тишлаб, ёндим яна.  
Ишқингда бўзламайман деб,  
Бўзтўрғайдек бўлдим яна,  
Сени ҳеч изламайман деб,  
Ишқинг билан тўлдим яна.  
Сени кўрсам кўнглим шодон,  
Қувончларга қондир яна,  
Кўзим кўзингга тушса гоҳ,  
Асал—меҳрга қондим яна.  
Кўрмайин ҳам, куймайин деб,  
Кўзларимни тилиб олсам,  
Зулайҳодек йиғлаб зор-зор,  
Шарпангдан мен билиб олсам,  
Бевафому бу дунёлар,  
Муҳаббатдан бездим яна,  
Гоҳ мажнундай сахроларни,  
Танҳо ўзим кездим яна.  
Айрилиқда дунёни ҳеч,  
Маъносиздек сездим яна,  
Майли, ростдир ғаним кулса,  
Ёлғиз сени севдим яна.

## ЁР - ЁР

Алам, алам, вой алам, энди алам ёр-ёр,  
Куйсин яна сен билан қоши қалам ёр-ёр,  
Ёр-ёр айтиб кетдилар тенгутушим ёр-ёр.  
Бошдан учиб кетди-ей ақлу-хушим ёр-ёр.  
Ёрнинг йўли қолдиму, йирокдаму ёр-ёр,  
Кўзлар гирён бўлдиму, фироқдаму ёр-ёр.  
Тоғу тошни қаъридан сой келади ёр-ёр,  
Юрагимни тилкалаб ой келади ёр-ёр.  
Ой олдида турсалар ойлардагим ёр-ёр,  
Қўлим чўзсан етолмас жойлардагим ёр-ёр.  
Армон-армон, оҳ армон, энди армон ёр-ёр,  
Дардим сенга айтилмай қаддим  
  камон ёр-ёр.  
Кўлларимдан ушлама, қўлим куяр ёр-ёр,  
Қарамасдан гашлама, дилим куяр ёр-ёр.  
Нечун куяр дилгинам сенга қараб ёр-ёр,  
Ошиқ Қизлар сений жондан сувяр ёр-ёр.  
Ёр-ёр айтиб бу кунда армондаман ёр-ёр  
Ергинамни кўрганда дармондаман ёр-ёр.

## С У Й Г У В Ч И Ё Р

Мени суйиб қолгувчи ёр,  
Суйганларинг кетди зое,  
Ҳажрим аро куйгувчи ёр  
Куйганларинг кетди зое.  
Мен нотавон қадринг билмай,  
Ор этдиму, сендан кечдим,  
Севги сўзин ҳазил билиб,  
Шароб дея сароб ичдим.  
Ҳар баҳорлар келганида,  
Ёниб-ёниб куйловчи ёр,  
Тун-кечалар бедор бўлиб,  
Ором олмай ўйловчи ёр.  
Озор берсам, ситам этсам,  
Нечун мэндан тонмайсиз ёр,  
Неча йиллар ўтса ҳамки,  
Азобларга қонмайсиз ёр.  
Севманг энди, севманг энди,  
Изларимдан келманг энди,  
Оқар сувлар оқди-кетди,  
Шамол мисол елманг энди  
Жон-жонидан суйгувчи ёр  
Сўйманг энди, сўйманг энди...

## ИЗТИРОБИ БОР

Бу кўнгилда муҳаббатнинг изтироби бор,  
Асло қайтолмам дилда яна шитоби бор.  
Ишқ бобида куйлай, куйлай ўтарман  
жоним,

Лаззати, боли маст айлар —  
ул шароби бор.

Ақл айтар — «Кечгил қийнама  
ўзингни бутқул,

Бир кун қаддим букиб дол этар  
хароби бор.

Узоқларга кетар бўлсам андин қочиб мен,  
Софинчлар ўртар, кўрсам воҳ-воҳ,  
моҳтоби бор.

Дардима дардкаш эмас, ул бағритош  
ёrim,

Кулиб туриб жон олар ани ниқоби бор.  
Ҳижрон доғи ўртар қаро тунлар қаъридан,  
Аъзобига чидарман юракнинг тоби бор.

Юрагимни тилка-тилка айласам кўринг,  
Муҳаббатдан ёниб турган офтоби бор.

Ёрдин ўзгаларга боқсам рашк этиб ҳар дам,  
Мани юрар йўлимни тўсар ҳисоби бор.

Ақл бирла юрак можароси, азоби бор,  
Хаётнинг мисли сув кўринган сароби бор.  
Бош олиб кетарга на сабру саботим бор.  
Инкор ишқ этолмай дилда изтироби бор.

Ишқим достонин ёзар бўлсам китоби бор,  
Ёзмай десам, Қизлар, ёзгил деб хитоби бор.  
Ёзар бўлсам хато дея айбим топгайлар,  
Ҳар боб ила ургувчи неча арбоби бор.

\* \* \*

Андишанинг отин қўрқоқ қўйманг сиз,  
Софлигимни соддаликка йўйманг сиз,  
Кўнглингизда асрабсиз илон, чаён  
Ҳасратларда ҳасад килиб кўйманг сиз.  
Нечун пок кўнглимни янчиб ўтдингиз?  
Бағримга тиконни санчиб ўтдингиз?!  
Алдов, риё экан билсам ишингиз,  
Ҳассам йўқотдим, бу гал сиз ютдингиз.  
Ё раб, мунча кўп оламда риёлар,  
Оёғим чалмоқчи бўласан, ногоҳ,  
Қанча тўсма, кўнглим ичра зиёлар,  
Эзгулик қайтадан мени даволар.  
Тилинг бошқа-ю, дилинг бошқа, эвоҳ,  
Оёғим чалмоқчи бўласан, ногоҳ,  
Шишадек қалбимни асраб—авайлаб,  
Мен эса оллоҳдан тилайман, паноҳ.  
Қани сендаги инсонийлик, виждон,  
Билсам сенда устун экан жифилдон,  
Эссиз, эссиз, инсон деган ном эссиз,  
Оқил одам бўлмабсан эҳ, билимдон.

\* \* \*

Дидим қолди боғланиб,  
Кўнглим ёнди доғланиб,  
Тилим лолдир чоғланиб,  
Қетолмадим айланиб.  
Кетарга йўқ мадорим,  
Туарга йўқ қарорим,  
Ўзда йўқ ихтиёrim,  
Айтотмадим шайланиб.  
Ўйларимнинг ўйчиси,  
Куйларимнинг куйчиси,  
Қаро кўзим томчиси  
Нечун боқдинг ойланиб?  
Омон-омон, омон бўл,  
Бахтимга сен омон бўл,  
Кел ўйнайлик қалам қош,  
Енимда ёр жонон бўл:  
Қетолмадим айланиб,  
Айтотмадим шайланиб,  
Нечун боқдинг ойланиб,  
Юрагимга жойланиб?!

## БОРОЛМАЙМАН, ЯРОЛМАЙМАН, ҚАРОЛМАЙМАН

Муҳаммад ЮСУФ

Борай десам ёнингга мен боролмайман,  
Жоним, бирор корингга мен яролмайман,  
Ёниб, ёниб юзингга бир қаролмайман,  
Боролмайман, яролмайман, қаролмайман.  
Уткинчи деб дунё-дундан кечолмайман,  
Ўзга қўлдан болму гулму ҳеч олмайман,  
Нечун мени алладинг деб ўч олмайман,  
Кечолмайман, ҳеч олмайман, ўч олмайман.  
Дардларимни ўзгаларга тўколмайман,  
Алп қаддимни фуурурлардан буқолмайман,  
Бу жонимни йўлларингга тиколмайман,  
Тўколмайман, буқолмайман, тиколмайман.  
Кўргим келса эшигингдан ўтолмайман,  
Умр буйи сен жонимга етолмайман,  
Қизлар дилин ҳасрат ўртар айтотмайман,  
Ўтолмайман, етолмайман, айтотмайман.  
Бу йўллардан жоним асло қайтолмайман.  
Охиратдан умид тутиб яшарман, оҳ,  
Оллоҳимдан сабр кутиб яшарман, оҳ,  
Ёлғон дунё, ёниб, ўчиб яшарман, оҳ,  
Боролмайман, яролмайман, қаролмайман.



## МУНДАРИЖА

1.	Мебелим	.	.	.	.	.	3
2.	Отажоним	.	.	.	.	.	5
3.	Ўзбекистоним	.	.	.	.	.	6
4.	Айб этманг	.	.	.	.	.	7
5.	Сизни соғиндим	.	.	.	.	.	8
6.	Ёққим келади	.	.	.	.	.	9
7.	«Нечун қизарап юзларинг...»	.	.	.	.	.	10
8.	Иўлчиман	.	.	.	.	.	11
9.	Акажоним	.	.	.	.	.	12
10.	Тавба этай	.	.	.	.	.	14
11.	Аёллар, адашманг	.	.	.	.	.	16
12.	Нола	.	.	.	.	.	18
13.	Фарзанд доғи	.	.	.	.	.	19
14.	Қайтар дунё	.	.	.	.	.	20
15.	Боқмадинг	.	.	.	.	.	21
16.	Шукур	.	.	.	.	.	22
17.	Ўзбегим аёли	.	.	.	.	.	23
18.	Армон	.	.	.	.	.	24
19.	Ёрга нола	.	.	.	.	.	25
20.	Кўнгил номаси	.	.	.	.	.	26
21.	Жонфидо	.	.	.	.	.	27
22.	Ҳаёл	.	.	.	.	.	28
23.	Малҳам	.	.	.	.	.	29
24.	Юр кетайлик	.	.	.	.	.	30
25.	Жоним, илинжим	.	.	.	.	.	32
26.	Изларман	.	.	.	.	.	33
27.	Ёрим кетиб боради	.	.	.	.	.	34
28.	Отабекнинг мактуби	.	.	.	.	.	35
29.	Юракдан тўкилган сатрлар	.	.	.	.	.	36

30. «Сўзи сўзимга монанд...»	37
31. Яна муҳаббат	38
32. Ишонч, сени қайдан топай	39
33. Алам билан	40
34. Яна	42
35. Ёр-ёр	43
36. Суйгувчи ёр	44
37. Изтироби бор	45
38. «Андишанинг отин...»	46
39. «Дилим қолди ботланиб...»	47
40. Боролмайман, яролмайман, қаролмайман	48

Адабий—бадиий нашр  
ҚИЗЛАРХОН МИРЗАОЛИМ ҚИЗИ

**КҮНГИЛ НОМАСИ**  
(Шеърлар)

Муҳаррир — Матлуба Декон қизи

Мусаввир — Л. Данилова

Мусахҳид — М. Тоштемиров

Теришга берилди 27.02.97. Босишга рухсат этилди 2.06.97. Юқори босма усулда чоп этилди. Қоғоз бичими 1/32. Шартли б. т. 1,6. 2000 нусха. Баҳоси келишилган нархда. Буюртма 1023.

«Фарғона» нашриёти, 712014, Фарғона ш., Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-й.

Фарғона вилоят босмахонасида чоп этилди. 712014, Фарғона шаҳри, Соҳибқирон Темур кўчаси, 45-й.